

**МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ –  
ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ**

**Хазратқулов Одилбек Турсунович**

ТДЮУ “Халқаро хусусий ҳуқуқ” шўъбаси мудири, ю.ф.д., профессор  
Email: [odilbekkhazratqulov@gmail.com](mailto:odilbekkhazratqulov@gmail.com) ORSID:0000-0003-0644-0122

*Жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашуви натижасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро шартномалар, конвенциялар, миллий қонунчиликда мавжуд коллизия нормалари орқали химоя қилиниши кафолатланган. Бугунги кунда замонавий технологик воситалар таъминоти ҳамда дастурлаш фаолиятининг яшин тезликда ривожланиши мазкур муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари билан боғлиқ масала ечими устида тадқиқотлар олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Ўз навбатида рақамли молиявий хизматлар кўрсатиши соҳасида илгарилаб кетган ривожланган мамлакатларнинг мазкур соҳани тартибга солишига қаратилган қонунлари ҳамда қонуности ҳужжатларини кўриб чиқиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада рақамли молиявий активларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда объект сифатида этироф этилиши ҳақидаги анъанавий ёндашувлардан биров чекинган ҳолда таҳлил этиши масалалари ёртиб берилган.*

**Калит сўзлар:** интеграция, технологик инқилоб, молиявий технологиялар, криптовалюта, финтех, крипто-активлар, моддий неъматлар, шахсий пул, биткоин, токенлар, фойдали токенлар ва инвестиция токенлар.

**ЦИФРОВИЗАЦИЯ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ – ВАЖНОЕ  
НАПРАВЛЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ НАШЕЙ  
СТРАНЫ**

*В результате глобализации мирового сообщества, права и обязанности хозяйствующих субъектов гарантированно регулируются международными договорами, конвенциями, а также коллизионными нормами, существующими в национальном законодательстве. На сегодняшний день, предоставление современных технологических средств и молниеносное развитие программной деятельности стоят на повестке дня для проведения исследований по решению вопроса, связанного с правами участников этих отношений. В свою очередь, важно учитывать законы и нормативные акты развитых стран, которые продвинулись в области цифровых финансовых услуг, направленные на регулирование этой сферы. В данной статье рассматриваются вопросы отчуждения цифровых финансовых активов как объектов гражданских правоотношений, выходя за рамки общепринятых традиционных подходов.*

**Ключевые слова:** интеграция, технологическая революция, финансовые технологии, криптовалюта, финтех, криптоактивы, материальные блага, личные деньги, биткоин, токены, прибыльные токены и инвестиционные токены.

### **DIGITALIZATION OF FINANCIAL SERVICES – A KEY PRIORITY OF OUR STATE POLICY**

*As a result of the globalization of the world community, the rights and obligations of economic entities are guaranteed to be regulated by international treaties, conventions, as well as conflict of law rules that exist in national legislation. Today, the provision of modern technological tools and the rapid development of program activities are on the agenda for research to address the*

*issue related to the rights of participants in these relations. In turn, it is important to take into account the laws and regulations of developed countries that have advanced in the field of digital financial services aimed at regulating this area. This article discusses the issues of alienation of digital financial assets as objects of civil legal relations, going beyond the generally accepted traditional approaches.*

**Keywords:** *integration, technological revolution, financial technologies, cryptocurrency, fintech, crypto assets, material goods, personal money, bitcoin, tokens, profitable tokens and investment tokens.*

### **МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ**

Бугунги кунда иқтисодий ривожланиш жараёнида бутун тузилмани ўзгартирадиган янги миллий технологиялар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш соҳасини тобора кенг қамровли интеграция қилиш жараёнида жаҳонда мавжуд рақамли иқтисодиёт амалиётини ўрганиш ҳамда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарблик касб этиб келмоқда. Янги инновацион фаолият бугунги кунда нафақат технологик жиҳатларга асосланади, балки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, ижтимоий мунобатларни тартибга солиш сиёсати ҳамда унинг янада такомиллашишига ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур фаолиятни илмий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини юқори даражада ривожланишига туртки беради ҳамда унинг асосий тармоқлари ёрдамида жаҳон бозорида рақобатбардошлик муҳитини таъминлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакатимизнинг истқболдаги тараққиёти учун муҳим стратегик йўналишларни белгилаб берди. Мурожаатномада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, замонавий технологияларни барча соҳаларга татбиқ этиш ва рақамли трансформацияни тезлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Президент таъкидлаганидек, бугунги глобал рақобат шароитида рақамлаштириш – бу танлов эмас, балки объектив зарурат ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли технологияларни самарали қўллаган давлатлар иқтисодий ўсиш, инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро рақобатбардошликни таъминлашда етакчи ўринларни эгаллашмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда молиявий хизматларни рақамлаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. 2020-2030 йилларга мўлжалланган "Рақамли Ўзбекистон" стратегияси, Президентнинг молиявий соҳани ривожлантиришга доир қарорлари ва Марказий банкнинг банк тизимини модернизациялаштириш дастури бу борада амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг яққол далилидир.

Жаҳонда қисқа муддат ичида рақамли иқтисодиётнинг қамрови, ҳажми ва кенглиги бўйича шу қадар тез ўсиш суръатларига эришдики, натижада иқтисодиётнинг умумтан олган тармоқлари ва бозорлари унинг таъсири остида қолмоқда. Ўз-ўзидан молиявий сектор технологик инқилобдан четда қолмаган ҳолда молиявий хизматлар бозорини яхшилаш учун тобора кўпроқ янги воситаларни ўзида жамлаётганлик жараёни ҳам табиий ҳолат ҳисобланади. Қўлга киритилган мавжуд технологик янгиликлар ҳаётимизга “товуш тезлиги”да кириб келдики, бу жараён ўз навбатида жаҳон молия

тизимининг янги қурилмасини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини яратишни талаб қилмоқда ҳамда уни тартибга солувчи ҳуқуқий асосни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Шу сабабдан қисқа муддат давомида жаҳон молиявий хизматлар соҳасида financial technology - молиявий технологиялар каби институт шаклланди ҳамда у ҳозирда жадал суръатларда ривожланишда давом этмоқда. Молиявий ташкилотлар мазкур технология ҳамда инновациялардан фойдаланган ҳолда молиявий хизматлар кўрсатиш, воситачилик қилиш ва рақобат муҳитини яратган ҳолда янги такрорланмас натижаларга эришиб келмоқда.

Fintech – молия бозорлари ҳамда институтларининг анъанавий ёндашувларига жиддий таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлган илғор бизнес лойиҳалар, уларни амалга ошириш жараёнлари, молиявий хизматлар кўрсатиш тартиби ва шу орқали янги турдаги маҳсулотларни яратишга ёрдам беришга қаратилган технологик жиҳатдан қўллаб-қувватловчи молиявий инновация мажмуасидир.

Fintech тизимида яратилган ва таклиф қилинаётган маҳсулотларидан бири бу рақамли молиявий активлар бўлиб, улардан жаҳонинг бир неча мамлакатларида тобора кўпроқ фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Рақамли молиявий активларнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бу блокчейн технологиясига асосланган криптовалюта ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда криптовалютанинг ўзига хос жиҳатлари иқтисод, ҳуқуқ ва молия соҳасидаги кўплаб олимлар томонидан тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмоқда ҳамда шу мавзуга оид у ёки бу жиҳатлари тадқиқот объекти

сифатида ўрганилмоқда.

Криптовалютанинг иқтисодий жиҳатлари ёки уни амалга оширувчи техник хусусиятлари ҳақида қарийб ўн йиллар давомида изланишлар олиб борилган. Афсуски, бугунги кунга қадар унинг ҳуқуқий тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва хусусиятлари, тартибга солиш жиҳатлари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда объект сифатида тан олиш масалаларига қаратилган концептуал асосларини очиб берувчи таҳлиллар етарли эмас.

Эътироф этиш лозимки мазкур соҳада оз бўлсада криптовалютага доир иқтисодий ҳамда юридик тушунчалар мавжудлигини ҳам ижобий натижа сифатида баҳолаш мумкин. Ҳозирда инсон онги махсули сифатида яратилган “Fintech” ёрдамида яратилган криптавалюта билан боғлиқ платформанинг мавжудлиги, бу орқали келажакда вужудга келиши кутилаётган фуқаролик муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, субъектлар мақомини аниқлаб олиш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш ҳамда жавобгарлик масаласига оид ҳуқуқий конструкцияни ишлаб чиқиш тадқиқотчилар ҳамда қонун чиқарувчи олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу борада қонун нормалари ижодкорлиги соҳасида ҳам изланишлар олиб борилаётган бўлсада, лекин яқдиллик билан ушбу муносабатларни ҳуқуқий асосини вужудга келтирувчи концепциялар ҳали хануз мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча ушбу ҳолатни табиий қабул қилиш лозим. Чунки, ҳар қандай янгилик ўз даврида турли қарама-қаршиликларга дуч келади, янги концептуал қарашлар пайдо бўлади, шунинг замирида рақамли молиявий хизматлар кўрсатишни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси шакллланади, амалий жиҳатдан синондан ўтади ҳамда қонун нормаси сифатида амалга

тадбик этилади.

Шунинг учун бу борада рақамли молиявий хизматларни ҳуқуқий табиатига доир мунозаралар марказини аниқлашда мазкур активларни тартибга солишга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий тамойиллар тизимига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шулар қаторида криптовалюта ни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ҳал қилишда уни фуқаролик ҳуқуқларининг мавжуд объектлари қаторида киритиш ёки янги турдаги объектни шакллантириш масаласини ҳал қилиш зарурати билан боғлиқ бўлади. Чунки тадбиркорлик муносабатлари иштирокчиларида, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш ва бажаришда криптовалютадан фойдаланиш мумкинми?, деган табиий савол бугунги кунда кўплаб учрамоқда. Шу сабабдан фуқаролик ҳуқуқи объектларига доир анъанавий концептуал асосларни кўриб чиқишга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари белгиланган бўлиб, унга кўра фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради. Қонун чиқарувчи кодекснинг мазкур моддасида пул яъни валютани фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг объекти сифатида белгилаб берган. Бунда пул маблағлари шаклига кўра нақд ёки нақд бўлмаган, унинг истеъмолига кўра маълум бир қийматга эга бўлган, унинг мақсадига кўра иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тусга эга ҳамда пулнинг ҳуқуқий мақоми

унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва бажарадиган вазифалари билан тавсифланади.

Амалдаги қонун нормаларида пул ёки валюта фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг объекти сифатида қабул қилинган. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объектларига нисбатан тадқиқотчи олимлар томонидан таҳлиллар ҳамда концептуал ғоялар илгари сурилган.

Фуқаролик ҳуқуқида ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган олтин қоида мавжуд. Яъни, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳаракатлари нимага нисбатан қаратилган бўлса – фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти деб ҳисобланади. Академик Х-А.Раҳмонқулов томонидан нақд ва нақд бўлмаган пулларга нисбатан мавжуд ҳуқуқлар табиати таҳлил қилиниб, унга кўра нақд пулларга нисбатан ҳуқуқ – ашёвий ҳуқуқ, нақд бўлмаган пулларга нисбатан ҳуқуқ – мажбурият ҳуқуқидан иборат, деган хулосага келган[1]. О.С.Иоффенинг фикрича, ашёлар, шунингдек, шахсий номоддий неъматлар ҳам бундай таъсир ўтказиш қобилятига эга эмас, демак ашёлар ҳам шахсий номоддий неъматлар ҳам ҳуқуқ объекти деб ҳисобланмайди”[2]. Д.И.Майернинг қарашларида, ҳар қандай мол-мулк пул билан баҳоланади, бирон бир мажбурият тўғридан-тўғри пулли, яъни унинг предмети пул тўлаш билан боғлиқ бўлмаганлигига қарамай унинг бошқа предметлари пул билан баҳоланади, шундай экан ҳар қандай мажбуриятни пулли мажбурият деб ҳисоблаш мумкин[3], хулосага келганлигини кузатиш мумкин.

Мулкий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ўзига хосликларга эга бўлиб, улар ҳар доим ўз эгасига моддий манфаатдорлик вужудга келтириши, асосан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар асосида вужудга келиши, эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш каби мулкий

ваколатлар ҳамда уларнинг мазмунини ташкил қилувчи юридик хатти-харакатлар мажмуйини ифода этиши, кўпинча номоддий тус хосил қилиши, ўзининг моддий асосидан ташқарида ҳам мавжуд бўлиши каби хусусиятлари билан аҳамиятлидир[4].

Биз бугунда криптовалютанинг истиқболи мавжуд эмас ҳамда унинг келажаги мавҳум деган фикрга келиш ўз навбатида унга тегишли бўлган масалани ечимини топилишига ёрдам бермайди. Аксинча криптавалютанинг ҳуқуқий жиҳатлари нималардан иборат эканлигига аниқлик киритиш ҳамда унинг амалда бўлиши назарда тутилган ҳуқуқий ривожланиши учун мақбул ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишни тақозо этувчи объектив иқтисодий ва ҳуқуқий асосларни яратиш лозимлигини тушуниб етишимиз зарур. Чунки у бугунда мавжуд, ундан чекламаган доирада шахслар молиявий операцияларни амалга ошириб келмоқда. Шу сабабдан “Fintech” ёрдамида яратилган криптавалюталар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида тан олиш ва уни қайси тур таркибига кирилиш масаласини ҳал этиш керак.

Бу борада биз илгари сурган фикрларимизни академик Х-А.Раҳмонқуловнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объектларининг вужудга келишига доир қарашлари асослашни лозим деб ҳисоблаймиз. Унга кўра “Фуқаролик – ҳуқуқий муносабатларининг барча объектлари ҳар қандай шароитда табиий ҳолатда олдиндан пайдо бўлади, фақат сўнгра улар туфайли фуқаролик – ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади деб ўйлаш доимо тўғри келмайди. Ҳақиқий шароитда бундай кетма – кетлик юз бермаслиги, балки аксинча бўлиши ҳам мумкин” деган хулосага келади[5].

Демак криптовалюталар билан молиявий амалиётни олиб боришда

тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келганлиги, унда валюта билан муомила қилишнинг анъанавий белгилари мавжудлиги, бундай ҳолатда эса ўз-ўзидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар унинг объектидан олдин вужудга келганлигини ҳамда бундай муносабатлар ҳам объектсиз деб бўлмаслигини тушуниш мумкин.

Ҳозирда қонун чиқарувчи мазкур ходисани ҳуқуқий тартибга солиш ҳудудидан ташқарида қолдиришни истамаганлиги боис криптовалютанинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш бўйича фаол чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича ҳаракатларни бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”га мувофиқ миллий фуқаролик қонунчилигини, Фуқаролик кодексининг янги тахрирда ишлаб чиқиш ҳаракатлари жадаллик билан бошлаб юборилган.

Олиб борилган изланишлар ва тадқиқотлар натижаси сифатида илк бор қонун чиқарувчи лойиҳа сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги тахриридаги “Моддий неъматлар” деб номланган бобига “Крипто-активлар” тушунчаси киритилиб, мазкур қонун лойиҳасини уни фуқаролик ҳуқуқлари объекти ҳисобланиши ва қонунда бошқа тартиб ўрнатилмаса, эркин муомалада бўлишлиги назарда тутилди.

Таклиф этилаётган мазкур қонун нормалари орқали ҳозирги кунда иқтисодий муомалага блокчейн ва криптовалюта кириб келиши муносабати билан лойиҳада рақамли пулга оид умумий қоидаларни киритилиши орқали унинг ҳуқуқий табиатини аниқлашнинг дастлабки босқичига қадам ташланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, улар томонидан тақдим этилган қонун лойиҳасида рақамли молиявий активлар фуқаролик ҳуқуқи объектларнинг қайси турига тегишли эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бермаган ва унга ойдинлик киритилмаган.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасидаги нормалар ўз-ўзидан банк ёки молиявий компаниялар билан биргаликда миллий қонунчилигига фойдаланиладиган рақамли технологияларнинг ҳолатини аниқлашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилишини талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт дастурини амалга ошириш доирасида қонун чиқарувчи виртуал валюталарнинг таърифини ҳамда уни ҳуқуқий тартибга солиш моделини ишлаб чиқиши керак. Бу орқали қонун доирасида рақамли иқтисодиёт муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ-мажбуриятлари кафолатланиши таъминланади ҳамда тартибга солиш механизми ишлаб чиқилган ҳисобланади.

Ҳозирда хорижий давлатларда рақамли молиявий активлар ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни амалга тадбиқ этиш ишлари жадаллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг таклиф этилаётган янги таҳрирдаги лойиҳасида “крипто-активлар”ларни киритилиши кодексда ҳуқуқ объектларининг янги турларини белгилаш ҳақидаги таклифлар билан олдимизда турган ечимини кутаётган масалани ҳал қилиш учун етарли бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи асосий кодексга крипто-активларни объект сифатида киритилишини ижобий ҳолат сифатида баҳоласакда, бироқ унинг етарли даражада ҳуқуқий тавсифи

хамда ҳуқуқий жиҳатлари алоҳида қонун нормалари орқали очиб берилмагунча мазкур ҳаракатларни амалга ошириш маъносиз ҳисобланади.

Рақамли молиявий активларнинг ҳар бири ҳақида тадқиқотчилар томонидан ҳозирги кунда яқдиллик билан тан олинган таъриф мавжуд эмас. Шунингдек, унинг асосини ташкил этувчи ягона концептуал қарашлар ишлаб чиқилмаган ҳамда илмий асосланган ёндашувлар етарли деб бўлмайди. Шу муносабат билан криптовалютанинг ҳуқуқий табиатига нисбатан мавжуд ёндашувларни таҳлил қилишдан олдин ҳал қилиниши керак бўлган асосий вазифа криптовалюта таърифини шакллантириш, унинг тартибга солиш асослари ва вазифаларини аниқлашдан иборат бўлиши лозим.

Бугунги кунда вертуал валюта номи билан халқаро доирада тан олинган қийматнинг рақамли кўриниши бўлиб, у ўз хусусиятига кўра рақамли равишда сотилиши, айрибошлаш воситаси бўлиши, қиймат бирлиги ёки қийматни сақлаши мумкин бўлган валюта вертуал амалиётда мавжуд бўлсада қонуний тўлов воситаси сифатида ҳар қандай давлат юрисдикциясида тан олинмаган. Берилган мазкур таъриф объектнинг рақамли хусусиятларини ва валюта сифатида унинг одатий белгиларини ҳисобга олсада, унинг давлат томонидан тасдиқланмаганлиги сабабли тўлов воситаси сифатида тан олмайди. Европа иттифоқи ҳузуридаги Молиявий назорат махсус комиссияси (FATF) томонидан криптавалютага берилган таърифга кўра, “математик алдоритмга асосланган, криптогарфия билан билан ҳимояланган марказлаштирилмаган конвертация қилинадиган вертуал валюта” деб тан олинади[6].

Тадқиқотчи О.С.Беломытцева эса “криптовалюта – блокчейн технологияси асосида яратилган, давлат марказий банклари томонидан

чиқарилмайдиган, расмий валюталарга бириктирилмаган, бозор иштирокчилари томонидан ихтиёрий равишда тўлов воситаси сифатида электрон шаклда қабул қилинадиган, узатиладиган ҳамда сақланадиган рақамли валюталар”[7] деб таъриф беради.

Амалий жиҳатдан кўраладиган бўлса, криптовалюта блокчейн технологияси билан узвий боғлиқдир. У маълум ишлаб чиқилган дастур ҳамда қоидаларга мувофиқ ташкиллаштирилган бўлсада, бироқ унинг хусусиятига кўра марказлашган тизимига эга бўлмаган ҳолди тизимли блокчейндан иборат бўлиб, криптовалютага нисбатан олдинги барча операциялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Шу сабабли кўплаб тадқиқотчиларнинг қарашларида криптовалюталар давлат марказий банклари томонидан чиқарилмасилиги ҳамда расмий валюталар қаторига бириктирилмаганлиги унинг ҳуқуқий моҳиятини тўлиқ акс эттирмайдиган ёндашув каби кўринади.

Бугунги кунда криптовалютанинг ҳуқуқий табиати борасида тадқиқотлар олиб борган олимлар ёндашувларининг марказий масалалардан бири криптовалютанинг ҳуқуқий моҳиятини аниқлашдан иборат эди.

Олиб борилган тадқиқотлар орқали криптовалютанинг моҳиятини аниқлашга доир таклиф ишлаб чиқилиб, унга кўра "рақамли валюта амалиёти – криптографик усуллар (математик алгоритмлар) орқали яратиш ва бошқаришга асосланган рақамли (виртуал) валюта бўлиб, тўлиқ марказлаштирилмаган яъни тармоқда тизим фаолиятининг тўғрилигини кафолатлайдиган ҳамда тизим иштирокчиларининг молиявий операцияларига ички ва ташқи тарафдан таъсир ўтказа олмайдиган молиявий амалиётидир”[8].

Бундан ташқари, криптовалюта табиатини акс эттирувчи бир қатор хусусиятлар мавжуд бўлиб, унга кўра криптовалюталардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш жараёнида юборувчи ва қабул қилувчининг ҳисоблари очиқ бўлган молия институтларининг хизматларига муурожаат қилиш шарт эмас. Шунинг учун уларнинг хизматлари учун ҳақ оладиган воситачилар ҳам ушбу муносабатда иштироки кузатилмайди ҳамда анъанавий банк операциясини амалга ошириширилмайди.

Мазкур амалиётнинг яна бир муаммоли жиҳати шундан ибратки, у билан амалга ошириладиган битимлар марказлашмаган яъни, бирор бир давлатлар ёхуд федерациялар (штатлар) томонидан назорат остига олинмаган трансчегаравий таснифга эга бўлиб, у турли ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган давлат фуқароларининг иштироки билан амалга оширилиши билан баҳоланади.

Бизнинг фикримизча криптовалютани миллий фуқаролик қонунчилигида мавжуд объектлар таркибига киритилишига ҳеч қандай монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас. Фақатгина криптовалюта ўз хусусияти, амал қилиш доираси, қўлланилиш функцияларни турли хиллиги сабабли тартибга солиш механизмларини қонуний йўлга қўйган ҳолда фойдаланиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда иқтисодий муносабатларда криптовалюта ўз хусусиятларига кўра кўпроқ даражада иккита энг муҳим функцияни бажаради. Асосий токенлар (рақамли активлар) чиқарилишини ҳуқуқий тартибга солишда уларнинг турини ўз хусусиятларига қараб ажратиш, таърифларини ишлаб чиқиш ва тизимли равишда қоидаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳозирда токенларнинг ҳам умумий қабул

килинган таърифи ҳамда таснифи мавжуд эмас. Амалиётда эса токенлар криптовалюта, фойдали токенлар ва инвестиция токенлар деб, номланувчи рақамли молиявий активлардан фойдаланиб келинади.

Ўз хусусиятига кўра криптовалюта де-факто тадбиркорлик субъектлари ўртасида хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, бундан ташқари товарларни сотиб олиш ҳамда сотиш учун тўлов воситаси сифатида эътироф этилади. Бироқ, ҳозирда ҳуқуқий жиҳатдан криптовалюта белилари ҳамда хусусиятига қараб тўллик тўлов воситаси сифатида таснифлаш бизнинг фикримизча мумкин эмас.

Жумладан амалдаги қонун нормаларига асосан Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўм ҳисобланиб, пул эмиссияси фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади. Мамлакат ҳудудида қонунда белгиланган тартибда бошқа пул маблағларини киритиш ва чиқаришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 94-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир. Сўм ёзиб қўйилган қиймати бўйича қабул қилиниши шарт бўлган қонуний тўлов воситасидир.

Юридик тўлов мақоми бизга республика ҳудудида ҳар қандай пул мажбуриятини кредиторнинг иродасини билдирмасдан қонун асосида тўлаш имконини беради. Бошқа барча турдаги тўловлар (карама-қарши шартлар) қонуний тўлов воситаси мақомига эга эмас.

Шу билан бирга, қонуний тўлов пул таснифидаги давлат-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш учун, масалан, солиқларни тўлаш учун ишлатилади.

Пул бошқа иқтисодий категориялар каби ижтимоий ҳодисадир.

Уларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг турли қийматга эга бўлиши улардан фойдаланиладиган жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишини ташкил қилади. Бу масалани ҳал қилишнинг яна бир ёндашуви пулнинг жамиятда тутган ўрни ҳамда унинг қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлигини таҳлил қилишдир.

Мисол учун чет эл валютаси ёки миллий валюта – унга нисбатан халқаро савдо қоидалари, валюта билан боғлиқ халқаро шартномалар, тегишли давлат қонунлари ҳамда қонуности ҳужжатларида айрибошлаш воситаси сифатида тақдим этган ҳолда маълум бир қийматга эгаллиги белгиланган. Шу сабабли жамиятда валюта оддий бир қоғоз эмас, балки тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши тан олинган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, "барча товарлар учун тадбиркорлар томонидан маъқулланган, товар - айланма воситачи ролини ўйнай бошлаган ҳамда ҳамма томонидан ўзига хос умумий эквивалент сифатида қабул қилингани валюта танланди. Шу орқали товар пул ва товар-пул муомаласи вужудга келди" [9].

Пул-кредит ҳамда тўловларни тартибга солиш соҳасида олиб борилган таҳлиллар натижаси шундан далолат берадики, валюта билан боғлиқ бундай энг янги либерал ёндашувлардаги тегишли муаммолари тўғрисидаги қарашлар турли хиллиги ҳолатларнинг мавжудлигини унутмаслик керак.

Ҳозирда мавжуд бўлган криптавалютага ўхшаш пул бирлигини яраиши тўғрисидаги қарашлар ўтган асрнинг ўзида пайдо бўлиб, жумладан тадқиқотчи олим Фридрих фон Хаек томонидан 1975 йилда "Шахсий пул" асарида "пул барқарорлигига эришишнинг тубдан янги усулини – яъни мавжуд давлат валютаси билан бир вақтда тенг рақобатга асосланган хусусий

валюталар тизимни таклиф қилган[10].

Йиллар ўтиши жараёни илгари сурилган ғоялар амалда юзага келиб, башарият томонидан тан олинган ҳамда маълум қийматга эга бўлган миллий валютага рақобатлаша оладиган “криптавалюта” пайдо бўлди. Криптавалюта ўз хусусиятига кўра уни пул бирлиги деб даъво қиладиган субъектларга ҳамда давлатларнинг пул тизимига ҳам ишончни талаб қилмайдиган рухсатсиз воситалар сифатида баҳоланиб келмоқда.

Таҳлилий маълумотларга кўра, криптавалюталар амалда бўлган одатдаги пул бирлиги қўйиладиган талабларга жавоб бермайди ҳамда пул бирлиги бажарадиган вазифаларни бажара олмайди. Юридик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак крипта валютага объект сифатида “миллий” ёки “хорижий” деб таснифга ажратиш имконияти мавжуд эмас. Оддий қилиб айтган мазкур валютани “миллатини” аниқлашнинг имконияти йўқ ҳамда мазкур пул амалиётда бу ҳолат муҳим аҳамият касб ҳам этмайди. Ўз навбатида мазкур молиявий амалиётни амалга оширишда қонуний мақом ҳам берилмаган.

Мисол учун Европа банк бошқармаси ҳисобларида қоида тариқасида кўрсатиб ўтиладики, криптоактивлар давлатда молиявий хизматларни тартибга солиш параметридан ташқарида эканлигини таъкидлайди, бу эса аъзо давлатларда бундай активлар билан операцияларнинг ҳуқуқий тартибига турлича ёндашувлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай фарқлар ҳар бир иштирокчида тенг ҳуқуқларга эга бўлган ягона бозорининг ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин. Европа марказий банки қоидаларига кўра мавжуд тартибга солиш инфратузилмаси билан криптавалюталарни ҳисоб-китоб тизимига киритиш мумкин эмаслигини таъкидлайди[11].

Бирор бир ҳуқуқий ҳужжатда криптоактивлар қимматли қоғоз сифатида таснифланмаган, банклар ва инвестиция компаниялари учун мавжуд капитал талаблари тизими криптоактивлари учун мослаштирилмаган. Бироқ, тегишли битимларнинг кичик тақсимланиши туфайли молиявий барқарорликка таваккалчилик ҳали ҳам аҳамиятсиз ҳисобланади.

Ҳар бир яратилган янги институтнинг ўзига хос салбий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– айнан “Fintech” соҳасидаги бундай контцептуал ёндашувларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ўз навбатида миллий суверенитетнинг заифлашишига олиб келади;

– уларнинг молиявий тизимига салбий таъсир кўрсатиш хавфининг мавжудлиги;

– жиноий йўл билан топилган молиявий активларни легаллаштириш мақсадида шахсларда критовалюталардан фойдаланишга имконият яратади;

криптоактивларни қийматининг тинимсиз ўзгариб туриши натижасида фуқароларнинг маблағларига нисбатан ғирром муносабатларни келтириб чиқаради;

– мазкур амалиёт орқали жиноий уюшган гуруҳлар томонидан молиявий пирамидаларни яратиш имкониялари вужудга келиш хавфининг вужудга келтиради;

– давлатларнинг мавжуд биржа амалиётини ишдан чиқаришга ва молиявий барқарорлик хавфини ошишига олиб келади;

– криптоактивларни амалдаги қонун доирасида солиққа тортиш масаласидаги муаммоларни келтириб чиқаради.

Шу сабабдан ҳозирда давлатлар томонидан мазкур молиявий

амалиётни амалга оширишда маълум бир чекловлар қўлланилаётганлигини ижтимоий тармоқларда кузатиш мумкин.

Агар биржа шартномасини тартибга солиш қоидаларига ёки ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятига зид бўлмаса амалдаги мавжуд қонунчилик нуқтаи-назаридан криптовалюта билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар биржа шартномаси тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солиниши мумкин деган хулосага келиш мумкин. Ҳозирги вақтда амалиётда криптовалюта босқача товарларга алмаштириш бўйича қонунчиликда ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас ҳамда унга руҳсат берувчи қоидалар ҳам ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 82-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи объектларини ўз эгаларидан бегоналаштириш, яъни ҳар хил тартиб ва шаклда бошқа шахсларга берилиши ёки ўтказилиши мумкин, агар улар муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса.

Мазкур модданинг 2-қисмига мувофиқ муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган объектларнинг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак. Объектларни қонундан ташқари бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан муомаладан чиқарилишига қўйилмайди.

Мазкур модданинг мазмунидан хулоса қилиш мумкинки, фуқаролик-

хукукий муносабатларнинг объекти сифатида тан олинadиган валюта ёки унга тенглаштирилган тўлов воситалари муомилада бўлиши ва муомиладан чиқарилмаган бўлиш талабига жавоб бериши лозим.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки “Fintech” соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларини ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд бўлиб, фикримизча бу албатта молиявий маблағлар билан боғлиқ барча соҳада бўладиган қонунбузилиш ҳолатларини олдини олади ҳамда фуқароларга замонавий хизматлар кўрсатиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Раҳмонқулов Х-А. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари / Ўқув кўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. –72 б.
2. Иоффе О.С. Гражданское правоотношение // Гражданское право: Избр. Труды (Сер. «Классика российской цивилистики») – М.: Статус, 2000. –С.588.
3. Мейер Д.И. Русское гражданское право. М.: Статут, 1997. - С.129.
4. Аманов З.А. Мулкий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида: юрид. фанл. номз. дисс....автореф. –Т.:2010, –7-б.
5. Раҳмонқулов Х-А. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари / Ўқув кўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2009. –13 б.
6. FATF Report Virtual Currencies Key Definitions and Potential AML/CFT Risks, June 2014. P. 4. См.: <https://www.fatf-gafi.org/media/fatf/documents/reports/Virtual-currency-key-definitions-and-potential->

aml-cftrisks. pdf (дата обращения: 31.03.2020).

7. Беломытцева О.С. О понятии криптовалюты. Биткоин в рамках мнений финансовых регуляторов и контексте частных и электронных денег // Проблемы учета и финансов. 2014. № 2(14). –С. 26.

8. Цинделиани И.А. Крипто валюта как объект гражданско-правового и финансово-правового регулирования // Ж.: Финансовое право, 2018. -№7. – С.22.

9. Кучеров И.И. Законные платежные средства /Монография. –М.: ИЗИСП, 2016. -389. –С.21-22.

10. Fredrick Von Haye. Denationalisation of Money: An Analysis of the Theory and Practice of Concurrent Currencies / F.A. von Hayek. London: Institute of Economic Affairs, 1976. Рус. пер.: 12. Хайек Ф.А. Частные деньги. –М.: Ин-т национальной модели экономики, 1996. –С.5.

11. European Banking Authority Report, 9 January 2019. Report with advice for the European Commission on cryproassets. –P.15, 17.